

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Миришкор туман СЭО ва ЖСХ

Бўлими бошлиғи

О.Р.Муртозаев

20.22 йил

Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизмати

Қашқадарё

вилоят бошқармаси Миришкор туман

бўлимининг 2022 йил «5» «Октябрь»

даги 75-4-63 сон буйруғига 8-илова

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Миришкор туман бўлими (кейинги ўринларда - Ташкилот деб юритилади)да коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Ташкилот раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Ташкилотга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – Ташкилотдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийлаштириш соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилимиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Ташкилот ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Ташкилот номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

таалуқли хабар – Ташкилотдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

3. Ташкилот коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш мўлжалланган тармоқларнинг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – мавжуд тармоқлардаги хабарлардан фойдаланишга руҳсат берилган Ташкилотнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки

**Ташкилотда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш
РЕЕСТРИ**

[illegible]

учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Ташкилот унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Ташкилот алоқа каналларига келиб тушадиган коррупция тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Ташкилот ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Ташкилот томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Ташкилот айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш

4. Тааллуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Ташкилотнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Ташкилотга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали.

5. Мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Ташкилот алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади. Ташкилот биносида жойлаштириладиган плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Мавжуд тармоқлар орқали келиб тушаётган коррупция ҳолатларига тааллуқли хабарларни қабул қилиш

7. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – тузилма) Ташкилотнинг алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Коррупциявий ҳатти-ҳаракатларга тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Ташкилотнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Ташкилот раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Ташкилотнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Ташкилотнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Ташкилотга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Ташкилотга ижтимоий тармоқлардаги келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун тузилма масъул ходими тайинланади.

Бунда, хабар келиб тушганда тузилма масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб, зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Ташкилот раҳбарига киритади.

Тузилмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштирилади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфиденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Ташкилот раҳбари тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Ташкилотнинг Ички назорат тузилмасига топширик туширади.

12. Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси тааллуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Ташкилотда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Ташкилот мурожаатчиларга Санитария-эпидемиология хизматининг ходими томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Ташкилотнинг масъул ходими қуйидагиларни амалга ошириши

лозим:

Ташкилотга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан аноним тарзда боғланишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Ташкилот ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб

ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

15. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, аммо 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

16. Тааллуқли хабар ташкилотнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, улар ўз навбатида ушбу хабарни Ташкилотнинг марказий аппаратидаги тузилмага юборади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

17. Ички назорат тузилмасига келиб тушган коррупцияга тааллуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Ташкилот раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

18. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Коррупцияга тааллуқли хабар келиб тушганда тузилма ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Ташкилот тизимига тааллуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш коррупцияга тааллуқли хабар Ички назорат тузилмасига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Ички назорат тузилмаси ходими хабар коррупцияга тааллуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Ташкилотнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Ички назорат тузилмаси ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Коррупцияга тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Ташкилотга келиб тушган кунда, эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чоратадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Ички назорат тузилмаси томонидан тайёрланиб, ташкилот раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

26. Реестрдан Ички назорат тузилмаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Ташкилот раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

27. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда Ташкилот раҳбарига коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарлар юзасидан ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган коррупцияга тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилганлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;

тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Якуний қоида

28. Мазкур Регламент талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.